

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ БУГУНГИ КУНДА ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ

Азимов Фарход Тешабоевич¹, Хамраева Умида Мадримовна²

¹Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
Санъатшунослик журналистикаси йўналиши 3 курс талабаси,

²Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
доценти

Аннотация Мазкур мақолада журналистиканинг бугунги кунда жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти уритилган. Журналистиканинг янги дунёқарашни шакллантиришдаги роли, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашдаги аҳамияти, жамоатчилик фикрига таъсири ҳамда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, мустақиллик йилларида ОАВ соҳасида амалга оширилган ислохотлар, рақамли платформаларнинг журналистикага кўрсатган таъсири, хусусий оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши ва матбуотнинг соғлом жамият куришдаги вазифаси баён этилган.

Калит сўзлар: журналистика, матбуот, жамоатчилик назорати, сўз эркинлиги, ОАВ, рақамли платформа, жамият, ислохотлар, фикр эркинлиги, коррупция, келишувчан матбуот.

Кишилиқ жамиятининг ривожланиш босқичида шундай давр юзага келадики, унда бир авлод эски тамойилга асосланган турмуш тарзини тарк этгиси келмайди, иккинчи авлод эса эски қолип билан яшаёлмайди. Ана шундай шароитда матбуот ижтимоий жамиятда, фуқаролар онгида янгича дунёқарашни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Мустақиллик йилларида барча соҳада, шу жумладан, матбаачилиқ ва оммавий ахборот воситаларини ривожланган мамлакатлар илғор тажрибалари асосида такомиллаштириш, уни жамиятнинг етакчи кучига айлантириш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз Конституцияси ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун ҳамда унинг 2019 йилда қайта қабул қилинган янги таҳририга биноан, Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлиги таъминланади ҳамда цензурага йўл қўйилмайди. Матбуотнинг тўртинчи ҳокимият, деб тан олиниши жамиятнинг барча соҳасини холис ва ҳаққоний ёритишга ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантиришга кафолат беради.

Қолаверса, журналист жамиятни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқишга масъул ҳисобланади. Чунки матбуот жамиятни соғломлаштиришга, ҳар бир воқеа ва ҳодисага теран кўз билан қараб, холис хулоса чиқаришга ундовчи етакчи куч

ҳисобланади.

Журналистика жамиятга воқеалар, тенденциялар ва иқлим ҳақида муҳим маълумотларни етказди. Бундан ташқари, бу маълумотлар фуқароларнинг инициатива ва қарорларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. У жамиятдаги турли-туман институтларнинг фаолиятини кузатади, давлат органларининг ҳисоботгарлигини таъминлашда ва коррупциянинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Журналистика фавқулодда хабарлар ва тадбирлар орқали фуқароларни жамиятда фаол бўлишга чақиради. Адолат ва инсоний ҳуқуқларни ҳимоя қилади.

Бугунги кунда интернет, ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформа орқали журналистиканинг қамрови кенгайди. Бу хабар ва маълумотларнинг жуда тезкор ва самарали етказилишига имконият яратмоқда, одамларнинг онгини ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда матбаачилик ишлари ва ОАВ ривожланди, хусусий радио-телевидениелар, янги-янги нашрлар пайдо бўлди. Бугунги кунда матбуот бозорида икки мингга яқин матбуот нашрлари фаолият кўрсатаётир. Улар ичида жамиятимизда рўй бераётган иллат ва камчиликларни ўтқир қалам, қайноқ қалб ва теран фикр билан ёритаётган матбуот нашрлари жасоратли сўзлари билан жамиятни соғломлаштиришга, фуқароларни эскича дунёқарашдан воз кечиб, ҳаётга янгича ўлчамларда назар ташлашга ўргатмоқда.

Лекин баъзи маҳаллий матбуот нашрлари мустабид шўро тузуми давридаги қолипларда фаолият кўрсатишда давом этяпти, улар жамиятда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни шарҳлаш ва изоҳлашдан, жойларда маҳаллий ҳокимият кўрсатмаси ва чизигидан чиқмаган ҳолда, камчиликларни хаспўшлаш ва келишувчанликдан нарига ўтмаяпти.

Келишувчан матбуот мажҳуллиги ва ҳаракатсизлиги туфайли жамият бошқарувининг турли бўғинида фаолият кўрсатаётган амалдорлар ўртасида коррупция ва порахўрлик, ошна-оғайничилик ва таниш-билишчилик авж олади, шўро даврининг кўланса кекиришига ўрганиб қолган, эскича стереотиплардан воз кечишни истамаган, даври ўтиб кетган мансабпарастлар тўдаси илғор дунёқарашли инсонларни жамиятдан сиқиб чиқаришга жон-жаҳди билан уринади. Бу шароитда келишувчан матбуот холис фикр билдириш ўрнига, амалдор тегирмонига сув қуяди, у билан бирикиб, янгича дунёқарашга барҳам беришга ҳаракат қилади, жамиятда таъмагирлик ва порахўрлик авж олади.

Замон талабига мослашмаган, кўркув ва манфаатдорлик, ёлғон сиёсат ва уни хаспўшлаш, таъмагирлик руҳида тарбияланган матбуот эски қолипга мослашган, ўз ғилофидан чиқишни истамаган консерватив кучларга қўшилади ва жамият тараққиётига ғов бўлади.

Бугунги кунда нима учун ОАВ бозорини сариқ матбуот эгаллади? Бундай газеталар нега кундан кунга гуллаб-яшнаб борапти? Гап шундаки, улар

жамиятнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятдан йироқ ва шунинг учун олди-қочди ёзишдан нарига ўтмайди. Маҳаллий ҳокимият тизимидаги амалдорларга ҳам уларнинг тутган шу йўли маъқул. Чунки сариқ матбуот жамият фаолиятига аралашмайди ва мажхуллиқ мақомотида бўлади.

Келишувчан матбуот ҳайбаракаллачилигидан чарчаган газетхон охи-роқибат ўзини олди-қочди матбуотга уради ва шу билан овунишга мажбур бўлади. Бундан усталик билан фойдаланган сариқ матбуот аҳолининг ўртача саводхонлик кайфиятига мослашган ҳолда улар онгини сийқаси чиққан уйдирма ва тўқима сафсата билан чалғитади ва ўтмаслаштиради. Бу матбуот жамиятнинг етакчи кучи бўлиш имконига эга эмас ва халқ буни тушуниб етганидан кейин, ўз-ўзидан пароканда бўлади.

Ривожланган дунё мамлакатлари тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШда 1791 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияга кўра, матбуот эркинлиги кафолатининг бош мақсади – олий ҳокимият органи бўлмиш ижрочилик, қонунчилик ва суд тизими фаолиятини қўшимча равишда назорат қилувчи восита сифатида тўртинчи ҳокимиятни вужудга келтиришдан иборат.

Буюк Британияда матбуот тўғрисида қабул қилинган алоҳида қонун йўқ. Чунки бу ерда оммавий ахборот воситалари мамлакатнинг барча фуқаролари сингари тенг ҳуқуқ ва эркинликка эга. Британия фуқароси «сўз эркинлиги» замирида идрок қиладиган қонун-қоидалар айнан матбуотга ҳам тегишли. Фақат ушбу мамлакат қонунига биноан, чоп қилинган нашр номи ва манзили кўрсатилиши, ҳар битта нашр нусхаси Британия музейи кутубхонасига топширилиши шарт. Судга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, давлат сирини ошкор қилмаслик, диффамация ва тухмат-бўхтон ҳақидаги амалдаги қонунлар фуқаролар билан биргаликда матбуотга ҳам тегишли ҳисобланади.

ГФР Конституциясининг бешинчи моддасида матбуот эркинлиги ҳақида: «Ҳар бир фуқаро ўз фикрини оғзаки ёки ёзма тарзда ёки фотосурат шаклида эркин билдириши, тарқатиш мумкин бўлган барча манбалардан ахборот олиш ҳуқуқига эга», – деб кўрсатиб ўтилган. Бу ерда амалдаги «Матбуот кодекси»га биноан, матбуот ва ОАВ вакиллари давлат ва унинг фуқаролари ўртасида ахборот воситачиси ҳисобланади.

Матбуот бир вақтнинг ўзида давлат инстанцияларида назорат олиб бориш вазифасини ҳам бажаради. Бу эса жамоатчилик фикрининг шаклланишига хизмат қилади. Давлат ҳокимияти ОАВ ёрдамида билдирилган ва тарқатилган фикрларга ҳеч қачон аралашмайди. Матбуот органи фақат молиявий муаммолар вужудга келган тақдирда муассис томонидан ёпилиши мумкин, бирорта суд органи газетани ёпиш ҳуқуқига эга эмас.

Франция ҳукумати томонидан 1791 йилда қабул қилинган Конституцияда матбуот эркинлиги қонун асосида мустаҳкамланган эди. Бундан 200 йил муқаддам қабул қилинган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясига биноан,

матбуот эркинлиги умумий ҳуқуқ қоидаларидан бири сифатида қайд этилган. 1881 йилда қабул қилинган Матбуот эркинлиги ҳақидаги қонунга ўтган бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида бир қатор ўзгартириш ва тузатишлар киритилган бўлса-да, умуман олганда, бу қонун жамият, давлат ва ОАВ манфаатларининг назорат мувозанати сифатида ҳозиргача амалда қўлланиб келинмоқда.

Францияда 1958 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияга биноан, матбуот эркинлиги конституцион ҳуқуқлар асоси деб эълон қилинди. Унга кўра, матбуот эркинлиги жамоат тартибига хавф солмаса, уни қонуний йўл билан чеклаш мумкин эмас. Франция қонунчилигида матбуот вакили учун ахборот олиш ҳуқуқини берадиган махсус модда йўқ. Лекин журналист матбуот нашри томонидан берилган ҳужжат асосида ҳар қандай вазирлик, идора, давлат ва хусусий фирма, корхона, ташкилотга кириш, сиёсий, маъмурий, иқтисодий характердаги ахборот олиш ҳуқуқига эга. Қонунга кўра, матбуот тўртинчи ҳокимият сифатида қонунчилик, ижро ва судлов органлари фаолиятини ёритиш асосида жамоатчилик фикрини шакллантиради ва давлат ҳамда жамият ўртасидаги соғлом муносабатларни мустаҳкамлайди.

Финляндияда матбуот фаолияти, унинг фуқаролар билан ташкилотлар ўртасидаги муносабати 1919 йилда қабул қилинган матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонун асосида мувофиқлаштирилади. Бундан ташқари, мамлакатда 1968 йилда ОАВ фаолияти принциплари бўйича Кенгаш баённомаси, 1958 йилда қабул қилинган журналистлар фаолияти қоидалари ва ЮНЕСКОнинг ОАВ ҳақидаги Декларацияси ҳам қонунчилик тажрибасида қўлланилади.

Мазкур қонун-қоидага биноан, журналист ахборот олиш фаолиятини чеклайдиган тўсиқ қўйиш мақсадида унга босим ўтказиш ёки сотиб олишга уринишларга бўйсунмаслик ҳуқуқига эга ва мажбурдир. Шу билан бирга, журналист ўз мустақиллигини ёки фаолият кўрсатиш имконини чеклайдиган, хавф соладиган имтиёзларга келишувчанлик муносабатида бўлмаслиги керак.

Юқорида тилга олинган мамлакатларда амал қилинаётган матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонунларнинг энг ижобий ва прогрессив томонлари «ОАВ тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз аксини топган ва матбуотга жамиятнинг етакчи кучи сифатида баҳо берилган. Тўртинчи ҳокимият қонунчилик, ижро ва судлов органларини назорат қилиш ва улар фаолиятини ҳолис ёритиш асосида жамоатчилик фикрини шакллантиради. У давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда кузатувчанлик ва келишувчанлик позициясида турмаслиги лозим.

Жамиятда матбуотни етакчи кучга айлантириш учун энг аввало, ўша соҳада фаолият кўрсатаётган журналист онгида ҳозирги давр нуқтаи назаридан ўзгариш содир бўлиши керак. Жамиятни замон талабидан келиб чиққан ҳолда англашгина матбуотни келишувчанлик кайфиятидан кутқаради.

Тадқиқотларга кўра, инсон бир-бири билан қўл бериб кўришганида, 85 фоиз

инфекция ва бактерия қўлдан-қўлга ўтар экан. Оғиздан ҳаво йўли билан юқадиган инфекция микдорини 15 фоиз, деб белгилайдиган бўлсак, одамдан одамга касаллик юқишининг асосий манбаи қўл ва оғиз ҳисобланади. Келишувчан матбуотнинг касаллик манбаи шундаки, у ўзи манфаатдор бўлган кучларга ён босади, улар билан бирлашиб, жамиятни соғломлаштиришга қаратилган янгича дунёқарашни лоқайдлик инфекцияси, ҳайбаракаллачилик ва кузатувчанлик бактерияси билан бўғади, сўз билан яксон қилади.

Масаланинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу ишларнинг ҳаммаси: «ўнг қўлинг қилган ишни чап қўлинг билмасин», – деган ақида асосида амалга оширилади. Ўнг қўл пора олиб-пора берса, чап қўл инсоф-диёнатга чақиради, ўнг қўл жамиятга, давлатга хиёнат қилса, чап қўл адолат ҳақида сафсата сотади. Коррупциялашган кучлар малайига айланган келишувчан матбуот унинг йўриғидан чиқмайди, индамаслиги эвазига ўнг қўл хизмати учун машина олади, данғиллама уй куради, ҳар ҳафтада эҳсон ва бозор-ўчарлик билан сийлаб турилади. Чап қўл хизмати эса, юксак ғоя, маънавий поклик ва иймон-эътиқодни тарғиб қилади, ўз дунёқарашига мос келмайдиган рақобатчиларини зукко назокат ва маккор эҳтиром билан йўқ қилади. Бундай матбуот жамият ва давлат учун ҳалокатлидир.

Қадим замонда мутаассиблар томонидан парракларида шайтон ин курган, деб фатво берилган шамол тегирмонлари бузиб ташланган ва унинг тахталаридан чўчкахоналар учун тўсиқ ясалган. Черков ақидасига кўра, чўчка бор жойда шайтон жуфтакни ростлаб қолармиш. Француз халқ революциясига бошчилик қилган Жанна д'Арк шайтон жодуси бор, дея инквизация томонидан оловда куйдирилган, ўз кашфиёти билан дунёга танилган граф Калиостро шайтон қавмидан, дея тириклай гулханда ёндириб юборилган.

Келишувчан матбуот ўз манфаати йўлида коррупциялашган гуруҳлар билан тил бириктириб, ўзига ва ҳамтовоқларига ноқулай бўлган, йўриғига юрмаган соғлом кучларни шайтонга чиқаради, шамол тегирмонини бузиб, ўзи паноҳбон бўлган чўчка сонини кўпайтиради ва улар атрофини тегирмон паррагидан ясалган зирҳли тўсиқ билан ихоталайди.

Лекин фожеа шундаки, шайтон шамол тегирмонига эмас, балки ўша чўчкалар паноҳбони онгига ўрнашиб олганини ҳеч ким хаёлига келтирмайди. Аслида кўркмас чўчкалар шамол тегирмонидан ясалган тўсиққа эмас, паноҳбонлар калласига қараб йўналтирилса, шайтон яксон бўлган ва бундан жамият ҳам кўпроқ фойда кўрган бўлар эди.

Ҳиндуларнинг аймар қабиласи ўтмиш деганда олдинни, келажак деганда, елкаси оша орқа томонни кўрсатар экан. Айтинг-айтинг, ишқилиб буни чўчкалар паноҳбони ва ҳамтовоқлари билиб қолмасин. Агар улар бундан хабар топса, жамиятни ёрқин келажак сари бошлаб кетиши аниқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта ушвор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун ушворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови . –Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар тарбиясида беш ташаббус.-Т.: Ўзбекистон, 2018.